



ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 12 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Мустақилликнинг ҳар бир куни ҳаёtimиз-га янгиланишлар, хушхабарлар олиб келмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтирмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узокни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормоқда. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳар-созлик намуналари асосида барпо этилган Халқаро ҳамкорлик маркази, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, «Маърифат маркази», «Пойтахт» бизнес маркази, «Бунёдкор» спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар шаҳар кўрқига кўрк қўшмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига кенг қулайлик яратмоқда.

Хадра майдонида 2013 йили улкан қуриш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш мақсадида Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинганди. Бунинг узвий давоми сифатида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтайдиган янги кўприк қурилди.

Президентимиз Ислон Каримов 12 май куни ушбу кўприкни бориб кўрди.

Илгари бу чорраҳада иккита катта кўча кесишар, оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Абдулла Қодирий кўчасининг ҳар бир йўналиши тўрт полосали қилиб кенгайрилди.

Шу пайтгача Себзор кўчасининг ўтказувчанлик имконияти соатига 3200 автомобилни ташкил этган бўлса, 6 қаторли кўприк қурилиши самарасида бу кўрсаткич 9800 тага етади. Абдулла Қодирий кўчасида ҳам энди автомобиллар қатнови 2400 тадан 5600 тага ортади. Бу нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Нурафшон, Абай, Олмасор, Зулфияхоним, Қорасарой, Сағбон, Зарқайнар, Навоий, Сақичмон кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Этиборлиси, шундай катта чорраҳада биронта ҳам светодой йўқ. Йўловчилар ҳам, автомобиллар ҳам бу ерда тўхтовсиз ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

Ушбу янги иншоот «Тошкентбошплан-ЛИТИ» давлат унитар корхонаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясига қарашли «Кўприкқурилиш» трести томонидан бунёд этилган. Хорижнинг энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди.

Авваллари бирор иншоот ёки кўприк қуриш керак бўлса, кимни ёрдамга чақаришни ўйлардик, деди Ислон Каримов.



Битта кўприк қуриш учун икки-уч йил вақт кетарди. Энди мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик, йўлсозлик тажрибаси тўла шаклланди, кўприксозлик соҳаси пайдо бўлди. Мана шундай замонавий, муҳташам кўприкни 8 ойда бунёд этганимиз мамлакатимизнинг жадал ривожланиб бораётгани, халқимиз нақадар улкан ютуқ ва марраларга эришаётганини кўрсатади.

Бу гал мамлакатимиз йўлсозлигида яна бир янгиллик қўл урилди – кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун 102 ва 111 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилди. Уларга чиқиб-тушиш учун зинапоё билан бирга эскалатор ва лифт ҳам қурилган. Уларда ёгин-сочинли кунларда ҳимояланиш мосламалари ҳам ўрнатилган. Бундай замонавий, одамлар учун барча қулайликлар эътиборга олинган кўприк-иншоотлар дунёнинг баъзи мегаполисларидагина мавжуд. Шунга ҳам таъкидлаш керакки, бу иншоот мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Себзор кўчаси орқали 98 метрлик яна бир ер ости йўли барпо этилгач, пиёдаларга чорраҳанинг тўртала томонига ҳам хавфсиз ўтиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида мазкур ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириш, аҳолининг дам олиши ва мазмунли ҳордик чиқариши учун кенг имконият яратиш, мўтадил иқлимни таъминлаш мақсадида фавворалар бунёд этиш кераклигини таъкидлаган эди.

Ушбу тавсиялар асосида бу ерда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада пойтахтимизда яна бир сўлим маскан пайдо бўлди. Йўл бўйига каштан, эман ва лола дарахтлари ўтказилди, райхонлар экилди. Бу манзара халқимизнинг фойзли боғларини, обод хонадонларини эслатади, қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Дарахт ҳам тирик жон. У соя беради, кўзни қувонтиради, соғлиқни мустаҳкамлайди, умрни узайтиради. Дарахтни севиш, асраш керак. Бу мутасадди ташкилотлар

билан бир қаторда мана шу ерда яшаётганларнинг, бутун пойтахтимиз аҳолисининг вазифаси, бурчи бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз.

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун имконият яратиш, мўтадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда учта фаввора қурилди. Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи олдидаги фаввора реконструкция қилинди. Уларнинг атрофида одамлар ҳордик чиқариши, болажонлар яйраб ўйнаши учун шароит яратилди.

Президентимиз шу атрофда истикомат қилаётган фахрийлар ва ёшлар билан суҳбатлашди.

– Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида кўримсиз уйларда яшаб келган, у ерда биронта янги қурилиш бўлмаган, – деди Ислон Каримов. – Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра, янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилмоқда. Энди Эски шаҳарни «Эски шаҳар» дейиш тўғри келмайди. Яқин йиллар ичида бу жой ҳамма ҳавас қиладиган замонавий масканга айланади.

Аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар натижасида пойтахтимиз тобора обод ва кўркам бўлиб бораётир. Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журнаlining баҳосига кўра, Тошкент шаҳри дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбари ушбу майдоннинг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам олиши учун яратилган қулайликларни кенгайтириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намоиши бўлган бундай замонавий иншоотлар, ободонлаштириш ишлари аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбирлари
Сарвар Ўрмонов олган суратлар**



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Ватанпарварлик юрт тараққиёти учун хизмат қилишди» лойиҳаси доирасида Андижонда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш, қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда мазкур анъанавий кўриқнинг қуйи босқичида голиб чиққан тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

• Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Ўзбекистон нефть ва газ» – OGU – 2015» ўн тўққизинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу саноат форумига жаҳоннинг йигирмата давлатидан икки юздан ортиқ компания раҳбарлари ва вакиллари таширф бўлди.

• Нукусда Оролбўйи ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-экологик муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан ҳаваскор велоспортчилар ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган «Касаба-тур» веломарафонининг Наманган вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Шу йилнинг 25 апрелидан буён бир неча бор жуда кучли зилзилалар рўй берган Непалда ҳамон сейсмик фаоллик сақланиб турибди. Жумладан, кеча бу ерда яна уч бор ер қимирлаши содир бўлди ва уларнинг энг кучлиси 7,3 баллни ташкил этди. Натижада тўрт киши ҳалок бўлган. Ҳозирда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эвакуация ишлари амалга оширилмоқда.

• Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аввалроқ «Чегара билмас шифокорлар» ташкилоти томонидан билдирилган Либерияда кейинги 42 кун ичида Эбола вируси билан касалланганликнинг бирорта янги ҳолати қайд этилмаганлиги тўғрисидаги маълумотни тасдиқлади. Бу бундан бир йил аввал мамлакатда қайд этилган Эбола безгаги баттамон тугатилганлигини аңлатади. Бироқ, ушбу оғир хасталикка чалиниш ҳолатлари Сьерра-Леоне ва Гвинеяда ҳали ҳам кузатилаётган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2015 йил 15 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 14 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсисда рўйхатга олинади.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳар бир соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиши билан бирга боқий ва бетақрор қадриятларимизни тиклаш, эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни қарор топтириш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, инсон манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ФИДОКОРОНА ИШЛАРДА ҚЎШ ҚАНОТ

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтганларни хотирлаш, кексаларимиз ҳолидан хабар олиш, уларга байрам кайфиятини улаш-иш каби савоб ишларига ички ишлар идоралари, жумладан, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳам бош қўшиб келади. Хусусан, шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида «Эъзоз ва эҳтиром» деб номланган тадбир ўтказилиб, Иккинчи жаҳон уришининг суронли йилларини бошидан ўтказган фахрийлар тақлиф қилиниб, улар ҳаёт йўллари ҳақида ҳодимларга сўзлаб берди. Тадбир қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди. Шу билан бирга ички ишлар идораларида хизмат қилган, ҳозирда орамизда йўқ бўлган фахрийлар хотираси ёдга олинди. Миллий қадриятларимизга мос ҳолда фахрийларимизга алоҳида эъзоз кўрсатилиб, дастурхон устида суҳбат қурилди. Бу эса ёш ҳодимлар онгига фахрийларимизга нисбатан ҳурмат-эъзоз туйғусини ривожлантиради, уларнинг тажрибалиридан ўрнак олишга ундайди.

Бу каби учрашувлар халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлидаги машаққатли ва фидокорона ишларда куч-қувват бағишлайди.

Тўлаған АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг
Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлимида бошлик, подполковник

Пойтахтимизда шу мавзуга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, ЕХҲТ ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, К.Аденауэр жағмармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси А.Саидов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Ф.Абдукаримов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов ва бошқалар Ўзбекистонда демократик ислохотларни ҳаётга

таътиқ этиш жараёнида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида уларнинг ролини кучайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳужжатларни ўз ичига олган кенг қўламли ҳуқуқий база оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш асосини ташкил қилади. Бунинг самарасида миллий масс-медиа Ўзбекистонда ҳаётга таътиқ этилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, демократик янгиланишлар кўзгуси, одамлар фикри ва дунёқарабини ўзгартиришга ёрдам берадиган қудратли кучга айланимолда.

– Президент Ислам Каримов оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш ҳақида бир неча бор таъкидлаган, – деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Стефан Приснер. – Ахборот ва сўз эркинлиги демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилдир. Ушбу икки принципнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлангани, қатор қонун ва қондаларда ўз ифодасини топгани эътиборга лойиқ. Ўзбекистонда бу борада ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳалари ахборот бозори иштирокчилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш имконини беради.

ВАТАННИ СЕВМОҚ ВА АСРАМОҚ БУРЧИМИЗ

Президентимиз Ислам Каримов 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда халқимизга тинчлик, омонлик кераклигини яна бир бор алоҳида таъкидлади.

Бугун шиддат билан ўзгариб, тобора кескинлашиб бораётган дунёда, турли мамлакатларда рўй бераётган воқеалар, вазият хатарли тус олаётгани барчамиздан доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишни талаб қилмоқда.

Дарҳақиқат, дунёнинг баъзи минтақаларида содир бўлаётган айрим ноҳуш воқеалар, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани шуни такозо этаётир. Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда босиб ўтган тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай синов ва машаққатлар эвазига эришилганини юртдошларимиз яхши англайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида халқимиз осойишталигини сақлашда ички ишлар ҳодимларининг касб маҳорати ва маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, юртга садоқат туйғусини янада мустаҳкамлаш, аҳоли,

айниқса, ёшлар билан ана шу руҳда иш олиб бориш билан боғлиқ масалаларга бағишлаб ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари А.Мирзаев, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришига мустаҳкам замин яратганини таъкидлади. Аҳоли маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар юртимизнинг порлоқ истиқболи учун хизмат қилаётир.

Ички ишлар тизимида ҳам ҳар томонлама етук кадрлар тайёрланиб, улар халқ билан ҳамнафас фаолият юритаётир. Бу жараёнда ҳодимлар малакасини оширишга эътибор қаратилиши билан бирга маънавий-маъри-

фий ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурча-гид, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин.

Бундай улғу туйғу юртга садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга, унинг тинчлигини асрашга, халқ манфаатларини таъминлашга даъват этади. Бугунги кунда ички ишлар идоралари шахсий таркиби ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб, такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги масъул ҳодимлари, соҳавий хизматлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда мазкур йўналишда қилиниши зарур бўлган ишлар, аҳоли ва ёшлар билан ишлашда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида «Кафолат» ДАСК АЖ Тошкент шаҳар филиали томонидан «Кекса ёшдаги фуқароларнинг суғуртавий ҳимоясининг имкониятлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси йўлида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилди.

Давра суҳбати аҳоли ўртасида суғурта маданиятини янада юксалтириш, давлатимиз томонидан суғурта соҳасида яратилган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, кекса ёшдаги фуқароларимизга суғурта маҳсулотлари билан уларнинг суғуртавий ҳимоясини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда инсон, унинг манфаатлари, бахт-содати ва қадр-қиммати кўлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар Кексаларни эъзозлаш йилида янги мазмун касб этиб, кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодаси сифатида халқимизнинг эртанги кун-

га ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Компаниямиз мамлакатимиз ҳукумати томонидан ҳар йили эълон қилинадиган умумдавлат дастурлари ижросини таъминлашда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар доирасида алоҳида масъулият билан фаолият олиб боради, – дейди «Кафолат» ДАСК АЖ Тошкент шаҳар филиалининг Иштироқчилар бўлими бошлиғи Хайрулла Мараимов. — Жорий йилда компаниямиз томонидан кекса ёшдаги фуқароларимизнинг суғуртавий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш ва кенг қўламли қарор яратиш мақсадида

«Нуроний» ва «Файзли хонадон» деб номланувчи янги суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Мазкур суғурта турларининг кекса ёшдаги фуқароларимиз учун ҳар томонлама қулай, пасайтирувчи коэффицентларни ўз ичига олган бўлиб, томонларнинг манфаатларига тўлиқ мос равишда ишлаб чиқилганини таъкидлаш жоиз. Компаниямизнинг бош мақсади – мижозлар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ ва сифатли бажариш ва шу орқали ижтимоий йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодийга муносиб ҳисса қўшишдан иборатлигини таъкидлаш жоиз.

«Нуроний» – кексаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, «Файзли хонадон» – кексаларнинг мол-мулкнинг суғурталашга йўналтирилганини таъкидлаш жоиз. Давра суҳбатида мутахассислар мазкур суғурта турлари бўйича иштирокчиларга тўлиқ ва батафсил маълумотлар бериб ўтишди.

Тадбир давомида мазкур икки суғурта тури бўйича хизматларни кекса ёшдаги фуқароларимиз компаниянинг республика ҳудудларида жойлашган 160 дан ортиқ бўлималарида ва 1000 га яқин штат ҳодимлари ва суғурта агентларидан сотиб олишлари, суғурта учун бадални – суғурта муқофотини нақд пулда, пластик карта орқали ва электрон тўлов орқали амалга оширишлари мумкинлиги, бу эса суғурта компаниясининг бўлималарида бормасдан суғурта хизматларини сотиб олиш имкониятини бериши таъкидланди.

Давра суҳбати сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

улар фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Конференция иштирокчилари оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш омили сифатида улар фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш механизмлари, оммавий ахборот воситаларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда миллий ва халқаро амалиёт тажрибаси, иқтисодий жиҳатдан мустақил оммавий ахборот воситаларини шакллантириш борасидаги мавжуд муаммоларни муҳокама этди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлари бериш тўғрисида»ги Қарори оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур қарорга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари ва нашриётларга қатор имтиёз ҳамда преференциялар берилди.

Миллий ва хорижий экспертлар ижтимоий йўналтирилган оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳимлигига ҳам эътибор қаратди. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ино-

батга олинмоқда, журналистлар ижоди ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириляётир.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон миллий ахборот-медиа маконининг бугунги аҳоли ва ривожланиши таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг муваффақиятли фаолият юритиши учун кенг ҳуқуқий майдон яратилган бўлиб, у халқаро тажриба ва замонавий воқеаликлар ҳисобга олинган ҳолда янада такомиллаштириляётир. Халқаро стандартлар ҳамда демократик давлатларнинг илгор тажрибасига таянган ҳолда фаолият юритаётган мамлакатимиз босма нашрлари ва электрон оммавий ахборот воситалари халқимиз миллий қадриятларини етарлича акс эттирмоқда.

Тадбир доирасида иштирокчилар телерадиоэшитиришлар тизими ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, медиа соҳасининг қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича хорижий тажриба билан ҳам танишди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида мамлакатимиз Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан «Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини такомиллаштириш — озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим омил» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раисининг ўринбосари А.Қамбаров ва бошқалар соҳага қаратилган эътибор самарасида бугун мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 90 фоизи юртимизда ишлаб чиқариляётгани, Ўзбекистонда тайёрланган маҳсулотлар саксондан ортиқ давлатга экспорт қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Уюшмада жорий йилнинг биринчи чорагида 991,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 фоиз ўсишга эришилди. Юзга яқин янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тизимдаги ўн мингга яқин корхонада жорий йил давомида ўз маблағлари, банк кредитлари ва хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда бир минг қирқдан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, Китоб, Асака, Янгйқўрғон, Ургут, Бўғот туманларида мева-сабзавот консервалари, Паркент, Тайлоқ, Когон, Зангиота туманларида қайта ишланган гўшт ва сут маҳсулотлари, Жиззах, Қува, Денов туманларида қандолат маҳсулотлари, Жиззах шаҳри ва Яккабўғ туманида тез тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳалар ҳаётга таътиқ этилади.

Уюшма таркибидagi ёғ-мой, қандолат, мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишловчи корхоналар маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

– Йил давомида рақобатбардoshi, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш бўйича яна йигирмата лойиҳа амалга оширилди, – дейди уюшма бошқарма бошлиғи А.Даллиев. – Мисол учун, «Melaza Agro Tech», «Мир сказок», «Renesans Dizayn» каби корхоналарда ҳар хил қарамеллар, конфетлар, шokolадлар, «Fatin Lazzat mayu»да прессланган нон хамиртуруши, «Мармакс»да балиқ консерваси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш ва технология қайта жиҳозлаш доимий эътиборда. 62 корхонада ISO 9001 стандарти бўйича, 12 корхонада ISO 22000 стандарти бўйича менежмент тизимлари сертифицирланган. «Agromir Samarqand», «Master Global Plus» ва «Green World» қўшма корхоналарида Швециянинг «TETRA PAK» компаниясининг асептик қадоклаш линиялари ўрнатилгани юқори сифатли, халқаро стандартларга тўлиқ жамда беришчи табиий мева-сабзавот шараблари ва нектарларини ишлаб чиқариш, уларни ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш имконини кенгайтирди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Анжуманлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида «Композицион материаллар ва улардан маҳсулотлар олишнинг илгор технологиялари» мавзусида республика илмий-техникавий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференциянинг ялпи мажлисида ТДТУнинг «Фан ва тараққиёт» ДУК раиси, академик Сойибхон Нейматов, шу мажмуанинг лаборатория мудири Аҳмаджон Юсуфбеков, Комила Нейматова, катта илмий ходим-изланувчи Музаффар Муродов, Қимё-технология институти профессорлари Гаффор Раҳмонбердиев, Ҳасан Шарипов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик қимё институтининг катта илмий ходими Шаҳноза Қўлдосева ва бошқаларнинг «Композицион материаллар ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг илгор технологияси», «Иссиқлик сакловчи ва ўтдан ҳимояланувчи полимер композицияларни яратишнинг асосий тамойиллари», «Композицион қимёвий реагентларни ва бурунлаш эритмаларининг самарали таркибини ва уларни олиш технологияларини яратиш асослари», «Молибден ишлаб чиқариш чиқинди кекларини гидрометаллургия қайта ишлаш», «Сурхондарё вилоятида қўнғич тузли тупроқ қўларини саноат қилишнинг композициялари ёрдамида мустаҳкамлаш» каби мавзуларни анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференциянинг умумий мажлиси ва шўбаларида 200 дан ортиқ илмий маъруза ва бошқа чиқишлар тақдим қилинди. Ушбу нуфузли анжуманининг мазкур илмий-технологик мажмуада ўтиши бежиз эмас. Мажмуада манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллий хом ашёлардан композицион материаллар ва улар асосида маҳсулот тайёрлаш технологияси модулини яратиш ишлари олиб боришмоқда. Корхона олимиларининг илмий мақолалари қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган конференция, симпозиумлар илмий тўпламларида чоп этилмоқда. Кобилиятли ёш олимлар ҳақида маълумотлар банкни тузилган. Катта илмий ходим-изланувчилар хорижий мамлакатларда тажриба орттириб келмоқдалар. Мажмуада олий ўқув юртилари ва йирик корхоналар учун юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилиб, ҳозирда 10 нафар катта илмий ходим-изланувчи ва 16 стажер-тадқиқотчи-изланувчи долзарб йўналишларда илмий-изланишлар олиб бормоқдалар.

Мамлакатимизда илм-фан ютуқларига асосланиб, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини замонавий техника воситалари билан қуроллантиришга катта аҳамият берилмоқда. Шу асосда ер ости бойлиқларини қазиб олиш, маҳаллий, ичкихалқ хом ашё ва чиқиндиларини қайта ишлаб, замон талабларига жавоб берадиган янги турдаги композицион ва наноконпозицион материаллар ҳамда маҳсулотлар чиқариш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб келмоқда. Мажмуа олимилари маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаб ва уларни тежаб, иккиламчи техноген маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда юқори сифатли ва махсус ҳоссаларга эга бўлган композицион ва наноконпозицион материалларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш, энергия тежажор технологияларини яратиш уш-тада фундаментал, амалий ва инновацион илмий-технологик ишларни олиб бормоқдалар.

Ҳозирги кунда «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси билан «Ўзбекнефтгаз», «Ўзкимёсанот», «Ўзенгиласаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзавтотўй» компаниялари, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари ва бошқа қатор ёрлаларлар ўртасидаги алоқаларга, илмий-технологик изланишларнинг халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида қўлланилиши ва иқтисодий самарадорлигини оширишга эътибор қаратишмоқда.

Конференция материалларининг илмий тўплам сифатида китоб ҳолида нашр этилганлиги илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига, ҳамкорлиқнинг ҳар томонлама манфатли бўлишига, юртимиз тараққиётига хизмат қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯДАСТУР ИЖРОСИ
ЙЎЛИДА

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш касба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Халқимизда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деб бежиз айтилмаган. Замонавий қулай шароитларга эга бўлган, ма- лакали шифокорлар меҳнат қилаётган шифо масканлари аҳолининг соғлиғини мустаҳ- камлаш, касалликларнинг ол- дини олишга хизмат қилади. Жорий йилнинг биринчи чора- ги мобайнида касба уюшма- лари тизимидаги санаторий- ларда соғломлаштириш учун ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан бюрт- маларга биноан ишчи-хизмат- чиларга 492 дон, шунингдек, жами бўлиб 476 дон имтиёз- ли йўлланмалар берилиб, режа ошириб баҳарилди. Шу жум- ладан, Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг «Кексаларни эъзозлаш йили» дастурида корхона, ташкилот- ларда меҳнат қилаётган кек- саларни санаторийларда бе- пул соғломлаштириш режа- лаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи чораги мо- байнида 26 нафар ишловчи кексалар касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштириш учун 284 дон имтиёзли йўлланмалар берил- ди. Шу жумладан, Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси

Кенгашининг «Кексаларни эъзозлаш йили» дастурига му- вофиқ 73 нафар кексаларни касба уюшмалари тизимида- ги санаторийларда имтиёзли йўлланмалар билан соғлом- лаштириш ишлари амалга оширилди. Табиат бағридаги гўзал дам олиш масканлари- да мароқли ҳордик чиқариш учун ишчи-ҳодимларнинг оила аъзоларига 39 дон йўллан- малар берилди. Энг муҳими, сўлим баҳор, иссиқ ёз фас- лида ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг мамлакатимиздаги барча зар- рур қулай шарт-шароитларга эга бўлган дам олиш маскан- ларида мазмунли ва мароқли ҳордик чиқаришлари учун бар- ча имкониятлар мавжуд.

Бу эса ишчи-хизматчилар- нинг соғлиқларини мустаҳ- камлаш, касб касалликлари- нинг олдини олишга, корхо- на, ташкилотлар, муассаса- ларда меҳнат унумдорлиги- нинг ошишига хизмат қилади.

Эгиз мавсум меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзола- рини соғломлаштириш ҳамда мароқли дам олишида муҳим ўрин эгаллаб, бундай массу- лиятни ва хайрли ишни из- чиллик билан амалга ошириш борасида бор куч-ғайратимиз- ни аямимиз.

Дилшод ШАРИПОВ,
Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими мудири,
Дурдона ИСЛАМОВА,
молия бўлими мудири



Ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароит- лари яратиш, уларнинг меҳнати муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касба уюшма- лари фаолиятининг асосини ташкил этади.

ЎЗА олган суратлар

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти касба уюшмаси кўмитаси ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш, дам олиш ва соғлиқларини тиклашларига катта эътибор бериб келмоқда.

ИНСОНГА НАФ
КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ
БАХТ

Бу борада амалга оширила- ётган ишлар юзасидан инсти- тут касба уюшмаси кўмитаси- нинг 2014 — 2015 йилларда олиб борган фаолияти юзаси- дан меҳнат жамоаси олдида ҳисобот-сайлов конференция- си ўтказилди. Конференцияда Тошкент шаҳар касба уюшма- лари ташкилотлари бирлашма- си Кенгаши раҳбарияти, Ўзе- бекистон Агроекономика мажмуи хо- димлари касба уюшмаси Рес- публика Кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташки- лотчиси ҳамда меҳнат жамоа- си томонидан сайланган деле- гатлар, институт раҳбарияти иштирок этиди.

Конференция давомида институт касба уюшмаси кўми- тасининг ўтган 5 йил давоми- да институт маъмурияти ва ка- саба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда жамоа шартнома- си бандлари асосида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботлар тақдим қилинди.

Ҳисобот даврида меҳнат шароитини янада яхшилаш мақсадида институтнинг таъ- мирталаб бўлган барча ўқув бинолари, лабораториялар тўлиқ капитал таъмирдан чи- қарилиб, фойдаланишга топ- ширилди. Бу эса муассаса хо- димларининг меҳнат муҳофа- за-

си ва техника хавфсизлигининг тўлиқ таъминлишига имкон яратди. Иш жараёни бирмун- ча хавфли бўлган ходимлар, яъни физика ва кимё кафедре- си ўқитувчи-ҳодимлари ва ўқув ишлаб чиқариш бўлими хо- димлари иш жараёнида фойдаланишлари учун инсти- тут томонидан зарур махсус кийим-кечаклар тарқатиб ке- линмоқда.

Бундан ташқари институт ўқитувчи-ҳодимлари ва талаба- лари учун 500 ўринли янги за- монавий ошхона қурилиб, фой- даланишга топширилди. Бу билан ўқитувчи-ҳодимлар ва талабаларнинг эрталабки но- нуштаси ҳамда тушлик қилиш- лари учун катта имкониятлар яратиб берилди.

Ўқитувчи-ҳодимларни соғлом турмуш тарзига ҳамда спорт- соғломлаштириш ишларига янада кўпроқ жалб қилиш мақ- садида турли спорт мусобақа- лари ўтказилиб, голибларга кимматбаҳо совғалар топши- рилди. Ходимларни дам олди- риш ва соғлиқларини тиклаш- лари учун Республикада фаолият юритаётган дам олиш масканларига 30 дон ва сана- торийларга 115 дон имтиёз- ли йўлланмалар берилганини айтиш мумкин. Бундан ташқа-

ри, ўқитувчи-ҳодимларнинг фарзандлари ёз мавсумида мароқли ҳордик чиқаришлари учун болалар дам олиш ором- гоҳларига 450 минг сўм миқ- дорида имтиёзли йўлланмалар берилди.

Шу билан бирга ходимлар- нинг фарзандлари янги йилни кўтаринки кайфиятда муносиб кутиб олишлари мақсадида Янги йил арча байрам томо- шаларига чипталар бепул тар- қатилди. Ўқитувчи-ҳодимлар- нинг бўш вақтларини мароқли ўтказиб, дам олишлари учун турли концерт дастурларига 10 млн. 200 минг сўмлик чипта- лар тарқатилди.

Талаба-ёшлар ҳамда ўқитув- чи-ҳодимларимизнинг Ватанга бўлган муҳаббатини кучайтириш ва уни қалбдан севишларини шакллантириш мақсадида Рес- публикаимизнинг турли зйёрат- гоҳ ва қадимий обидалари би- лан яқиндан таништириб ке- линмоқда. Ўтган 5 йил даво- мида 150 нафар ўқитувчи-хо- димлар ва 500 нафар талаба- лар турли тарихий масканлар- га саёҳатлари уюштирилди.

Республикада нишонла- надиган турли байрамлар институтимизда ҳам кўтаринки руҳда ўтказилади. Байрам кунлари Маданият саройининг ходимлари ва иқтидорли талабалар иштирокида турли қўнғир дастурлари намойиш қилинмоқда.

Шахноза ҲОШИМОВА,
Тошкент Ирригация ва мелиорация институти касба уюшма кўмитасининг бош ҳисобчиси

Ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, қулай, хавфсиз иш шароитларини яратишга эътибор қаратиш касба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳ- барлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчи- ликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чи- қариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи то- монидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоат назоратини таъминлашда ўзаро ҳамкорликнинг самарадор- лигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2015 йил 5 февралдаги қарори би- лан тасдиқланган «Меҳнатни му- хофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона рес- публика кўрик-танлови ўтказиш тўғрисида»ги Низомни қабул қилинган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотла- ри бирлашмаси Кенгашининг 2015 йил 9 фев- ралдаги қарори билан 11 кишидан иборат ишчи комиссияси тасдиқланди. Комиссия ўзининг ол- дига қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни белгилаб қўйди:

— меҳнатни муҳофаза қилиш борасида энг яхши натижаларга эришган корхоналарни тармоқлар кесимида аниқлаш;

— ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат ша- роитлари яратиш, уларнинг меҳнати муҳофаза- сига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг яхши касба уюшма кўмитасини аниқлаш;

— меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳуж- жатларига риоя этилиши устидан жамоат назо- ратини амалга оширишда энг яхши меҳнатни му- хофаза қилиш бўйича вакилини аниқлаш;

— корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳо- фаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб ка- салликларининг олдини олишга доир ишларни кучайтириш;

— меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан ижобий тажрибаларни, шу соҳадаги илғор шакл ва усулларни кенг ёйиш.

Кўрик-танловда қатнашиш учун барча соҳалар- дан жами 86 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳужжатлари тақдим этилди. Қизгин баҳслар чо- гинда комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар, таҳ- лилий ахборотлар, мезонлар, фотоаёлбмалар ба- тафсил, ҳар томонлама ўрганиб чиқилди ва ко- миссия аъзолари томонидан фикр-мулоҳазалар

билдирилди. Натижаларга кўра:

Ўзбекистон агроекономика мажмуи тармоқ хо- димлари касба уюшмалари ташкилотларидан: «Энг яхши корхона» номинацияси бўйича 1-ўрин — «Сувмаш» акциядорлик жамияти, «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» номинацияси бўйи- ча 1-ўрин «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номи- нацияси бўйича 1-ўрин — «Бектемир спирт заводи» ОАЖга насиб этди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамо- ат хизмати ходимлари касба уюшмалари

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ —
ДОЛЗАРБ МАСАЛА

ташкilotларидан:

«Энг яхши корхона» номинацияси бўйича 1-ўрин — Давлат акциядорлик тижорат «Асака- банки», «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» номи- нацияси бўйича 1-ўрин — Ўзбекистон Республи- каси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси бўйича 1-ўринга Тошкент ислом университети лойиқ топилди.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият хо- димлари тармоқ касба уюшмалари ташки- лотларидан:

«Энг яхши корхона» номинацияси бўйича 1-ўрин — 157-умумтаълим мактаби, «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» номинацияси бўйича 1-ўрин — Катагон қурбонлари хотираси музейи, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси бўйича 1-ўрин — 600-мактабга таълим муассасасига насиб этди.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқ ходимлари касба уюшмала- ри ташкилотларидан:

«Энг яхши касба уюшма кўмитаси» номи- нацияси бўйича 1-ўрин — «Технолог» АЖ, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси бўйича 1-ўринга «Ўзқабель» ОАЖ кўшма корхо- наси лойиқ топилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацев- тика тармоқ ходимлари касба уюшмалари ташкилотларидан:

«Энг яхши корхона» номинацияси бўйича 1-ўрин — Шаҳар 1-сон клиник шифохонаси, «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» номинацияси бўйи- ча 1-ўрин — Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар

клиник шифохонаси, «Энг яхши меҳнат муҳофа- заси бўйича вакил» номинацияси бўйича 1-ўрини 49-сонли оилавий поликлиникаси эгаллайди.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чи- қариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилот- лари тармоқ ходимлари касба уюшмалари ташкилотларидан:

«Энг яхши корхона» номинацияси бўйича 1-ўрин — «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхо- наси, «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» но- минацияси бўйича 1-ўрин — «Кенг макон» масъ- улияти чекланган жамияти, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси бўйича 1-ўринга «Тошкент иссиқлик маркази» АЖ лойиқ топилди.

Ўзбекистон нефть-газ ва гео- логия ходимлари касба уюшма- лари ташкилотларидан:

«Энг яхши корхона» номинацияси бўйича 1-ўрини — «O'ZLITINEFTGAZ» АЖ, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси бўйича 1-ўрини «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси эгаллайди.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қури- лиш, қурилиш индустрияси тармоқ ходимла- ри касба уюшмалари ташкилотларидан:

«Энг яхши корхона» номинацияси бўйича 1-ўрин — «2-автобус саройи» АЖ, «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси бўйича 1-ўрин — «12-трест» АЖга қарашли 65-қурилиш бошқармасига насиб этди.

Ҳар бир тармоқ бўйича аниқланган «Энг яхши корхона», «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» ва «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил»- нинг ҳужжатлари кўрик-танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун тегишли тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари комиссиясига тақдим этилди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бундай тадбир- лар корхоналарда жамоа шартномалари орқали меҳнат шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодиса- ларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талаб- ларига жавоб берувчи иш ўринларини яратиш, хо- димларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, аёллар ва вояга етмаган фуқароларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолатини ўрганиш, ходимлар- га меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига ча- линиши ёки саломатлигининг бошқа хил шикаст- ланиши ҳужайи етказилган зарарни ўз вақтида ва тўла ҳажмида тўлаш қоидаларига амал қилини- шига туртки бўлишига ишончимиз комил.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Ёшлар — келажакимиз
ТУМАНДА САРДОРЛАР
АНЖУМАНИ

Ёшларнинг маънавий оламини болалиқдан бошлаб эзгу ғоялар асосида камол топтиришда, дунёга беғубор кўзлари билан боқиб ўзгача маъно кашф этишга интилаётган фарзандларимизнинг қизиқиш ва интилишларини янада ривожлантиришда улар ўртасида ўтказилаётган турли тадбирлар ва танловларнинг аҳамияти каттадир.

Айни кунларда шахримиз туманларида «Камалак» бо- лалар ташкилоти сардорларининг «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остидаги XIV анжумани бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маъ- навий ва маърифат марказида «Камолот» ЕИХ Яшно- бод туман Кенгаши ҳомийлигида «Камалак» болалар ташкилоти сардорларининг XIV анжумани бўлиб ўтди. Унда тумандаги 1400 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Тадбирнинг ўтказилишида Яшнобод туман ҳокимли- ги, туман ҳудудий тиббиёт бirlашмаси, «Баркамол ав- лод» маркази яқиндан кўмак берди.

— Ушбу анжумани ўтказишдан кўзланган асосий мақ- сад иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истеъдодини рўбга чиқариш, қизиқишларини шаклланти- риш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир, — дейди «Ка- молот» ЕИХ Яшнобод туман Кенгаши раиси вазифаси- ни бажарувчи Бахтиёр Бахринов. — Шунингдек, бола- ларнинг ташаббускорлик, тадбиркорлик ва ишбилар- монлик қўнимчаларини шакллантириш ҳамда жамоа ора- сида ўз фикрини тўла ифодалашга ўргатиш, Сардорлар Кенгашининг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо бериш ва ташкилотнинг кейинги иш режаларини белгилаш, ёрқин фикрлари билан ўртоқлашиш каби эзгу мақсад- лар қамраб олинган.

Анжуман доирасида турли кўнгилочар дастурлар ва қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Ха, ҳар бир боланинг ўз орзулари бор. Ана шу беғу- бор орзулар уларни юксак парвозларга чорлайди.

Мазкур анжуман ҳам болажонлар орасидан энг иқти- дорлиларни саралаб олиш имконини бериш баробари- да, уларни янада изланиб, интилишга чорлайди.

2014 — 2015 ўқув йилининг энг фаол сардорларини тақдирлаш ҳам баркамол авлоднинг иқтидорини шакл- лантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Тадбир сўнггида голиб иштирокчилар ва фаол ёшлар, тадбирни ўтказишда яқиндан ёрдам берган ҳамкор ташкилот ходимлари «Камолот» ЕИХ Яшнобод туман Кенгашининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЁШЛАР
МАЪНАВИЯТИНИНГ
ЮКСАЛИШИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги 21-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида «Камолот» ЕИХ Сергели туман Кенгаши ҳомийлигида «Ватан, дўстлик, халқпарварлик учун!» шиори остида ўтказилган анжуман ҳам туман «Камалак» болалар ташкилотининг фаолиятига бағишланди.

Тадбирда туман ҳудудида жойлашган барча умум- таълим мактаблари директорлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етак- чилари, Сардорлар Кенгаши аъзолари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Мазкур анжуман ёшларимизни маънавий барка- молликка етаклаш баробарида, уларнинг онг ва та- фақурида ҳам теранлик уйғотиб, Ватанини севишга, қадриятларимизга эҳтиром билан қарашга ва буюк неъмат бўлмиш мустақиллигимизнинг қадрига етишга чорлайди, — дейди «Камолот» ЕИХ Сергели тумани Кенгаши раиси Босит Умарходжаев.

Анжуманда «Камалак» ташкилотининг фаолияти ри- вожланишига ўз ҳиссасини қўшган бир қанча умумтаъ- лим мактаблари директорлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари, Сардорлар Кен- гаши аъзолари ва ҳамкор ташкилотлар эсдалик совға- лари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

«Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори о- стидаги XIV анжуман Юнусобод ва Бектемир туманла- рида ҳам қизиқарли тарзда ўтди.

Тадбирда «Камалак» болалар ташкилоти томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгуси- даги устувор вазифаларни белгилаб олиш, сардор- ларнинг билим ва қўнимчаларини ошириш, илғор таж- рибаларини омдалаштириш ва қўллаб-қувватлаш ма- салалари ҳусусида сўз борди. 2014 — 2015 ўқув йили мобайнида ташкилот фаолиятига самарали ҳисса қўшган ташкилотчилар ва «Камалак» болалар ташкилотининг сардорларига совғалар топширилди.

— Аънавий равишда ўтказиб келинаётган ушбу анжуман биз ёшларни ўз иқтидор ва қизиқишлари- мизни янада шакллантиришда, фикр доираларимизни кенгайтириш, Ватанимиз тараққиёти ва юксалиши йўли- да мамлакатимиз микёсида олиб борилаётган улкан ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшишга чорлайди, — дей- ди Бектемир туманидаги 292-умумтаълим мактабининг «Камолот» ЕИХ «Камалак» болалар ташкилотининг йил етакчиси Севара Далабоева.

Дарҳақиқат, «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остида ўтказилаётган «Камалак» болалар таш- килотининг XIV анжумани қобилиятли ёшларни танлаб олиш ва уларнинг иқтидорини шакллантиришда асосий восита ҳисобланади. Зеро, келажакги порлок, истиқболи ёрқин ёшлар шу азиз юртимизнинг мустақкам пойдеворидир, бу каби тадбирлар эса уларни изла- нишга, интилишга ва янги-янги ғояларни кашф этишга чорлайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари

ЯНА БИР ДОВОН
ОРТДА ҚОЛДИ

Чемпионликни кўзлаб, халқаро майдонларда Ватан шайини улуглашдек эзгу мақсадни амалга оширишга интилаётган спортчи — баланд чўққини мўлжал олиб, сафарга чиққан йўловчига ўхшайди.

Йўл машаққатлари (кун-тун тиним билмай бажарилган машғулотлар) унинг учун тўқтинлик қилолмайди. Аксинча, шу қийинчиликларни энгиб ўтиб, кўзлаган манзили сари дадил қадам ташлайверади.

...Қатар пойтахти Доха шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. Йигирмадан зиёд давлатдан 200 нафардан ортиқ тажрибали полвон жам бўлган нуфузли мусобақада мухлислар, мураббийлар «ким голиб бўлар экан?» дея беллашувларни диққат ва ҳаяжон билан кузатишди.

Юнон-рум кураши бўйича вазни 59 килограммгача бўлган полвонлар гилламга чақирилди. Ҳакамнинг жарангдор овози «Элмурод Тасмуродов, Ўзбекистон», дея чорлади. Элмурод шиддатли бахсларда хитойлик Киз Тияни, ярим финалда япониялик Шинобу Отани, ҳал қилувчи беллашувда КХДР вакили Вон-Чол Юни мағлубиятга учратишди, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Музаффар спортчимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Элмуроднинг ғалабаси жамоадолларини руҳлантириб юборди. Вазни 85 килограммгача бўлган юнон-рум кураши устали баҳсида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Рустам Аскалов ҳам барча рақибларини мағлубиятга учратишди, Осиё чемпионатида

пиони бўлди. У финал беллашувида қозоғистонлик Нурсултон Турсунов устидан ғалаба қозониб, олтин медални кўлга киритди.

Ҳамюртларимиздан Нурбек Холмухаммадов, Дилшод Турдиев ва Жонибек Отабеков ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгалладилар.

Чемпионатнинг эркин кураш бўйича ўтказилган беллашувларида ҳам ҳамюртларимиз муваффақиятли катнашиб, битта олтин ва учта бронза медални кўлга киритган эди. Вазни 70 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Бекзод Абдурахмонов олтин, ўз вазн тоифасида Рашид Курбанов, Руслан Плиев ва Умиджон Исмонов бронза медал билан тақдирланган эди.

Осиё чемпионатида учта олтин ва олти бронза медални кўлга киритган терма жамоамиз аъзолари — бугун кўксини медаллар бегаб турган полвонларимизнинг Олимпиада чўққисини забт этишдек катта орзулари бор. Бу орзуга етишиш учун яна кўплаб мусобақаларда катнашиб, ўзини жисмонан ва руҳан тоблаши, тажриба ортириши зарур. Қатарда ўтказилган қитъа чемпионати эса улар учун чўққи сари олиб борадиган йўлдаги бир доводир. Улар бу доводни ортда қолдириб, манзил сари дадил юришда давом этиши шубҳасиз.

**Байрам
АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири**



Мухаммад Амин олган сурат

Эркин кураш бўйича Қозоғистон мезбонлик қилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро турнирда мамлакатимиз қизлар терма жамоаси муносиб иштирок этди.

СПОРТЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Турнирда Қозоғистон, Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон ва Тожикистондан келган 500 нафардан зиёд спортчи голиблик учун беллашди. Мусобақада спортчиларимиз 1 та олтин, 3 та кумуш ҳамда 2 та бронза медални кўлга киритди.

Жумладан, 52 килограммгача вазнда ҳамюртимиз Нодира Собирова барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Спортчиларимиздан 46 килограммгача вазн тоифасида Фирюза Рўзиева, 49 кило-

граммгача вазнда Асалхон Собирова ва 65 килограммгача вазн тоифасида Бахтигул Балтаниёзова кумуш медаллари билан тақдирландилар. Бундан ташқари яна икки нафар юртдошларимиз Ақтенге Кеунимжаева ҳамда Гулшан Асадова бронза медалли совриндори бўлдилар.

Мазкур халқаро турнир жорий йилнинг 9-14 июнь кунлари Ҳиндистонда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати олдидан ўзига хос тайёрларик босқичи вазифасини ҳам ўтади.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида «Гейдар Алиев кубоги учун» аънавий турнир бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақада мамлакатимиз ёшлари билан биргаликда Россия, Украина, Финляндия, Туркия, Грузия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон терма жамоаларидан 150 нафар спортчилар катнашди. Ўсмирларимиз терма жамоаси 3 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалга сазовор бўлиб, умумкоманда ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар.

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медалларни 46 килограммгача бўлган вазнда Ҳалимбек Утегенов, 50 килограммгача вазнда Муроджон Алиев ва 54 килограммгача вазнда Саиджамшид

Жафаров келтиришди. 48 килограмм вазнда Баҳодир Баротов, 75 килограммгача бўлган вазнда Фаррух Илхомов ҳамда 66 килограммда Дилшод Рўзметов кумуш, шунингдек, 52 килограммгача боксчилар ўртасида Жаҳонгир Раҳмонов, 66 килограммда Тимур Мержанов, 70 килограммгача Яҳёхон Саидхонов ва 80 килограмм вазнда Аббосхон Мирзаабдуллаев эса бронза медаллари билан тақдирландилар.

Абдулазиз МУСАЕВ

ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК
ТИМСОЛИ

Ю.Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежидида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Чилонзор туман босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа Чилонзор туман ҳокимлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, туман Мудофаа ишлари бўлими, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Чилонзор Ўқув СТК» унитар корхонаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унда туманда жойлашган 17 та ўрта махсус ўқув юртида шакллантирилган 19 ёшдан ошмаган 10 нафар ўқувчи-ёшлардан иборат жамоалар катнашди.

Мусобақани ташкил этишдан кўзланган мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўсмирларни Қуролли Кучлар сафидидаги хизматга ва ҳарбий бил-им юртиларига киришга тайёрлаш, тарихни ўрганиш, аждодлар бой аъналарига содиқлик руҳида тарбиялаш, ёшларга мардлик, қатъиятликни, кучгайрат, интизомни ўргатишдан иборатдир.

Мусобақада иштирокчилар саф кўриги, сафда юриш тайёргарлиги, саф кўшиги, альбом, вимпеллар кўриги, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик бўйича, қуролни сочиш ва йиғиш, бир километр масофага югуриш, граната улоқтириш, турникка тортилиш, тўсиқлар йўлагини устидан ўтиш бўйича беллашувларда яққа ва жамоа тарзида катнашди.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг туман босқичида ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этиб, шу нарсаларга амин бўлдимки, ҳақиқатан ҳам ёшларимизнинг жисмо-

нан соғлом, маънан етук шахслар бўлиб вояга етишаётганликлари қувонарли ҳолдир, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши координатори Еркин Қувватов. — Мусобақа иштирокчиларининг ҳарбий тайёргарлиги, тўсиқлар оша югуриши ёки граната улоқтириши жасорат, мардликнинг аққол тимсолидир.

Ҳарбий-спорт ўйинлари катнашчилари маҳоратини «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, туман Мудофаа ишлари бўлими, «Ватанпарвар» ташкилоти ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари билан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаб боришди.

«Бунёдкор» спорт мажмуасида мусобақа иштирокчиларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Кўрсатилган натижаларга кўра 1-ўрин Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи жамоасига насиб этди. 2-ўринни Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи жамоаси эгалладилар. 3-ўрин эса Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номидаги академик лицей жамоасига насиб этди. Голиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тақдирлаш маросими якунида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс жамоаси хонанда ва созандалари мардлик, жасурлик ва она Ватан тинчлиги, оқойишталлини улугловчи куй ва қўшиқларни ижро этишди, ансамблининг раққосалари томонидан рақслар гулдастаси намойиш қилинди.

Зарина РУСТАМОВА

Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳар қачонгидан-да гавжум. Само билан бўйлашётган «Лайлак», «Беш қамиш», «Ҳажмили» каби турдаги бежирим варраклар парвозини кўриб, уларни ясаган, мардлик билан учираётган устани яқинроқдан кўришни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз.

САМО БИЛАН БЎЙЛАШ,
ВАРРАГИМ!

Энг қизиғи, бу «уста»лар «Варраклар сайли» мусобақасининг республика босқичида иштирок этиш учун келган юртимиз ҳудудларидаги «Баркамол авлод» болалар марказларининг «Авиамодель» тўғараги аъзоларидир.

«Само билан бўйлаш, варрагим!» шiori остида ўтказилган ушбу мусобақани Халқ таълими вазирлиги «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази, Республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий Кенгаши, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Чилонзор тумани филиали ташкиллаштирди.

— Беллашувдан мақсад ўқувчиларни спорт-техникавий йўналишдаги тўғарақларга жалб қилишни таъминлаш, мактабдан ташқари таълим муассасаларида уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, соғломлаштириш, жамоа бўлиб ғалабага интилиш кўникмасини шакллантириш, спортнинг техник турларини янада ривожлантириш, жисмоний ва маънавий тарбиясини таъминлаштириш, истеъдодли ёшларни аниқлаб, рағбатлантиришдан иборат, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Лола Тўхтаева. — Яққа ва жамоавий тарзда ўтказиладиган ушбу аънавий мусобақа иштирокчилари орасида жажжи

ихтиролари билан катнашаётган кичкинтойлар сафининг йил сайин кенгайётгани қувонарли.

— Қўлимдаги «Беш қамиш» варрак турининг ясаллишини бобом ва устозимдан ўрганганман, — дейди Сергели туманидаги 104-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Бахтиёр Ғофуров. — Ўзинг тайёрлаган варракни учирининг завқи, гашти барибир ўзгача бўлади.

Бири бошқасини такрорламайдиган аҳойиб варраклари ҳакамлар ҳайъати аъзолари ипнинг узунлиги юз метрдан ошмаслиги ва белгиланган вақт давомида самод муаллақ учиши, ранги ва сифатининг талабга мувофиқлиги сингари мезонлар асосида баҳолаб боришди. Ниҳоят, мусобақанинг «Беш қамиш» тури бўйича Андижон шаҳридаги 41-мактаб ўқувчиси Абдумутал Йўлдошев, «Лайлак» тури бўйича Самарқанд шаҳридаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳзод Қодиров, «Ҳажмили» тури бўйича Юнусобод туманидаги 257-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жаҳонгир Саидалиевлар биринчи ўринни эгалладилар. Жамоавий бахслар натижасига кўра, Тошкент шаҳри биринчи ўринни банд этган бўлса, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари кучли учикдан ўрин олди. Голиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси**

Кўргазмалар

МОВИЙГА ПАРВОЗ

Ўзбекистон Тасвирий Санъат галереясида «Тасвирий ва амалий санъат фестивали» доирасида ташкил этилган «Мовийга парвоз: классикадан авангардгача» деб номланган кўргазманинг намоиши давом этмоқда.

Ундан Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Акмал Икромжонов ҳамда унинг шогирдларининг 80 га яқин асарлари ўрин олган.

Айримлар тасвирий санъатда рассомлик мактаби аънавлари ҳақида сўзлаганда, унга замонавий санъатнинг кечаги куни деб изоҳ беришади. Бироқ кўплаб ўзбек рассомлари ва санъатшуносларининг фикрига кўра реалистик мактабнинг тажрибаларини тўлиқ ўрганиб, дунё санъати бадий тизимининг қонунликлари билан беҳабар бўлиб эркин ижодга ўтгандагина мусаввир ўзининг аниқ услуб ва йўналишларини белгилashi мумкин. Худди шу нуқта назарга Акмал Икромжонов ҳам содиқ қолган.

Асарлари намоиш этилаётган устоз шогирдларининг ҳар бири бугунги кунда кўплаб кўргазмалар, танловлар ва фестиваллар иштирокчиси.

Кўргазмага қўйилган асарларда мамлакатимизнинг гўзал табиати манзаралари натуротюрларда тасвирланган табиат инъомлари, йил фасллариининг турли ҳолатлари, турмуш тарзимиининг айрим қирралари ўз аксини топган.

Экспозициядан устоз ва шогирдларнинг «Тун ва кун», «Тўтилиш», «Ё», «Тоғда куз», «Қиш», «Эшик», «Карвон», «Баҳорги симфония», «Юртим баҳори», «Сирли портрет» каби асарлари ўрин олган.

Ушбу ижод намуналари тасвирий санъатнинг қайси жанри йўналишида ишланган бўлмасин, уларда биз ҳаёт фалсафасини, миллий ва умуминсоний қадриятларни кўрамиз.

Хусан АБДУШУКУРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти томонидан юридик ва жисмоний шахсларга уй-жойнинг хусусийлаштирилганлигини тасдиқловчи давлат орденини расмийлаштириш билан боғлиқ кўрсатилган хизматлар учун тариф нархи, Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармасининг 12.05.2015 й.даги №ТГ – 12-2015-сонли декларациясига мувофиқ 152214,36 сўм белгиланди.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 9 мартдаги 218-сонли қарори)

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

2015 йил 16 май куни Учтепа туман ҳокимлигида «Ерғодеҳкадаст» давлат қўмитаси раиси С.Арабов бошчилигида сайёр йиғилиш ўтказилади. Унга жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари таклиф этилади.

Маъмурият

Шайхонтоҳур туман ҳокимияти томонидан 2009 йил 17 июлда реестр тартиб рақами № 000146-09 рўйхатдан ўтган Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-а уйда жойлашган «SHAYXONTOKHUR INVEST» давлат корхонаси (СТИП: 204854052) туман ҳокимининг 2014 йил 19 мартдаги №130 сон қарорига кўра **туғатилди**. Даволат эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-а уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел: 241-24-24.

Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежи 2015-2016 ўқув йилларига ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ** **Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 27-уй. Тел: 255-42-59

Сергели тиббиёт коллежи жамоаси коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мухаббат Аминова Назаровага волидаи муҳтарамаси **Мамлакат ая АҲМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихсдор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 14 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шартуради, ёғингарчилик ҳар ҳаво муҳитида зарар бўлмади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда ялашмоқда. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — жаси наст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 15 майда чиқади).

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади,
11298 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ